

## ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТЕРМИНЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

**Назарова Сайёра Азимжановна**

*Тошкент молия институтининг “Хорижий тиллар” кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақола ўзбек тили ирригация ва мелиорация терминларининг тарихий ривожланиш босқичларига бағишланади. Бунда ўзбек тили ирригация ва мелиорация терминлари тараққиётида рус ва инглиз тилининг ўрни ҳамда унинг ўзлашмалар ҳисобига лугат бойлигининг ошганлини кўриш мумкин.

**Калит сўзлар:** лексика, термин, семантик тизим, ўзлашма, сўз ясаш, ирригация, дренаж, артизан

Сўнги йилларда дунё сиёсий харитасида, сиёсатида, иқтисодиётида, қишлоқ хўжалигида, кадриятлар ва муносабатларда катта ўзгаришлар содир бўлди. Бунинг натижасида деярли барча тармоқларда, хусусан, ирригация ва мелиорация соҳаларида ҳам янги сўзлар, тушунчалар, терминлар пайдо бўлди. Глобаллашув натижасида халқаро алоқаларнинг аҳамияти ва ўзаро ижтимоий мулоқот шакллари тўғри ташкил этиш муҳимлиги долзарб масалалардан бири бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли ҳамда Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 20-апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 сон қарорлари ёш авлодни чет тилларига ўқитиш, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда унинг таркибий соҳаларида хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва ўзаро мулоқотни ривожлантиришлари учун шароит ва имкониятлар яратди. Шунингдек, ирригация соҳасига оид сўнги қарор ва фармонларнинг яратилиши ҳам ушбу соҳада қилинаётган изланишларга катта туртки бўлиб хизмат қилмоқда. [1,2]

Бундай масалаларга термин билан умумдабий тилдаги сўзлар ўртасидаги халқаро терминлар оқимини жадаллаштирмоқда. Бу ҳол соҳа эгаларининг ўз касбига оид термин ва тушунчаларнинг асл мазмун-моҳияти хусусида етарли билмга эга бўлишларини тақозо этмоқда. Терминлар муаммосига бағишланган тадқиқотларда термин ва терминологиянинг турли назарий ва амалий масалалари атрофлича ё муносабатлар, терминларнинг шаклланиши, қарор топиши, тараққиёти, даврий босқичларда қўлланилиши, синоним ва омоним

терминлар, терминологиядаги детерминологизация, ретерминологизация ҳодисаларининг мавжудлиги, терминларнинг систем-структур ҳамда функционал-семантик таҳлили кабилар киради. Шундай соҳалардан бири қишлоқ хўжалиги билан узвий боғлиқ бўлган ирригация яъни сув хўжалиги соҳасидир. [3, 196]

Ўзбек тилининг луғат тизимида 19 аснинг иккинчи ярмидан бошлаб турли соҳалардаги термин ва атамалар ҳисобига ўзига хос ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, Россия мустамлакаси йилларида (1854-1984) Ўрта Ўсиёдан ўз хомашё базаси сифатида фойдалана бошлади ва бу мустамлака ўзбек тили сатҳига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Мустамлакага айланган ҳудудларда Чор Россияси Мирзачўлнинг унумдор сувсиз ерларини ўзлаштиришга киришди. Айнан ўша пайтдан бошлаб ўзбек тилига рус тилидан ва рус тили орқали Европа тилларидан кўплаб сўз ва терминлар кириб кела бошлади. Ўзбек тили лексикасидаги бундай ўзгариш Ўрта Осиёнинг чор Россияси забт этиши натижасида мамлакат ҳаётида юз берган сиёсий ва ижтимоий – иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ эди. Асрлар мобайнида араб-форс-тожик тиллари ўзбек тили лексикасининг тараққиёт бойишида ўз ўрнини эгаллаб келган бўлса, қайд этилган даврдан бошлаб бу ролни рус тили ўйнай бошлади. [5,146]

Тарихдан маълумки, Чор Россия томонидан Туркистон худуди мустамлакага айлантирилгач, давлат тили рус тили бўлиб шаклланиши сабабли ўзбек тили лексикаси қабул қилинган ўзлашмалар ҳисобига анча ўзгарган. Рус тилининг ўзбек тили лексикаси тараққиётига таъсири бу тилдан фақат сўзлар олишдангина иборат бўлмай, луғат бойлигининг ошишига, янги сўзлар ясалишининг айрим жиҳатларига ва семантик тизимининг кенгайишига ҳам таъсир кўрсатади, натижада ўзбек тилига ирригация ва мелиорацияга оид терминлар ҳам ўзлаштирила бошланди.

Чор Россияси даврида қўлланилган ирригация терминлари ҳозирги ўзбек тилида ҳам (баъзи жузъий ўзгаришлар билан) қўлланилмоқда: Артизан кудуғи-артизанский-рус, артизанский колодец (инглиз тилидаги таржимаси эса “artisanal well” айнан русчадаги билан сўзма-сўз мос келади) “Ўшандан кудуқларни артизанский деб атайдилар” (ТВГ, 1881, 15). “Биродаран Гирнуф” ширкати тарафидан бир артизьян кудуқ қазилмишдир (С.Турк., 1914, 22). Ванни-рус, “ванна”-ванна, ингл-(bathtub). Маъдан сувлари устина мурчалар солиниб, ваннилар қўйилгон (С.Турк. 1914. 17), Дринаж – рус, инг-(Drinage or drain) Дренаж-дренаж (зовур). Экинчилик жайи кенг бўлса атрафига ҳам мазкур дренаж ариғлар қилмоқ керак. (Дехқон, 1915, 2,4). Дамба инг-(dam), сардоб инг-(sardoba), карьер ингл- (quarry), коллектор ингл-(collector), культиватор ингл-(cultivator), гумидлилик ингл-(humidity), эрозия ингл-(erosion) каби ирригацияга оид терминлар ҳам айнан рус тилидаги каби ўзбек тилида ҳам кенг қўлланилган. [4,96]

Баъзи русча ирригация ва мелиорацияга оид терминларга қўшимчалар қўшиш орқали ҳам ишлаб чиқаришда янги терминлар пайдо бўлганлигини учратишимиз мумкин. Юқорида келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики, ўзбек тилида ирригация ва мелиорация терминологияси тарихий ривож-ланиши босқичида муайян бир тизим ҳолига келган, бирор аниқ тартибга туширилган терминологияга эга бўлмасада, халқ нутқида ёки ёзма манба-лардан қўлланиб келинган ва бундай терминлардан фойдаланилган.

Олиб бораётгани изланишларимизга асосланиб хулоса қиладиган бўлсак: терминлардан айримларининг ҳозиргача ишлатилиши рус ва ўзбек тилларида ирригация ва мелиорацияга доир оғзаки ҳамда ёзма алоқалари маҳсулидир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори, 10 декабр 2012 й.
2. Мирзиёв Ш. М. “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 2909 сон қарори, 20-апрел 2017 йил.
3. Назарова С.А. “Ирригация ва мелиорация терминологиясининг тилшуносликдаги аҳамияти”. ЎзДЖТУ “Когнитология ва прагматиканинг истиқболли йўналишлари” мавзусидаги Республика миқёсида илмий-амалий анжуман. I-қисм. 4 апрель 2020 йил, 196-198 бетлар.
4. Раҳимбоев Ф.М, Азимхўжаев Х.Е. “Гидротехникадан русча-ўзбекча луғат”. Тошкент. Ўқитувчи – 1993 й. 96 бет.
5. Юсупов Э. “XIX аср иккинчи ярим ва XX аср бошлари (1853-1920) ирригация терминологияси”. Нофилологик Олий ўқув юртларида тилларни ўқитишнинг долзарб муаммолари” номли Олийгоҳлараро илмий-амалий анжуман. Тошкент молия институти. 2019 й. 146-147 бет.